

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 46 (65922)
1996 йил, 3 июль, чоршанба

Сотувда эркин
наرخда

ҚАЛБИМ ФУРУРГА ТЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби қабул
қилинган кунга

Рассомчилик тугараги аъзолари машғулот хонасига киришлари билан турга, чиройли рамкада илиб қўйилган суратга кузлари тушди.

—Қойил, охири Рустам айтганини қилибди-да, аммо боллабди—деб юборишди беихтиёр.

Болалар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирига узоқ, синчков тикилишди. Унда тоғлар, дарёлар, бугдой бошоқлари-ю чаноқлари очилган гуза шохлари билан безалган гулчамбар акс этганди. Уртада бобо қуёш заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси хурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва юлдуз жойлаштирилган. Марказда бахт ва эрксеварлик рамзи—кумуш рангдаги Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди.

—Уни ифодалашда ижодкор ва олимларимизнинг асарларидан ҳам фойдаландим,—тунунтирди Рустам уртоқлари саволига жавобан.—Уларда айтилишича, Ҳумо қуши қадимий зардуштийлик-




нинг муқаддас китоби—«Авесто»даги ривоятлар билан боғлиқ экан. У инсонга бахт-саодат келтирувчи, турли офатлардан ҳимоя қилувчи, меҳрли жонзод сифатида ифода-

ланган. Гербнинг марказий қисмида Давлат байроғимиз рангларидagi чамбар тасма уртасида «Ўзбекистон» деб ёзилган.

Болалар суҳбатига келиб қўшилган устоз Ҳасан ака ҳам мустақил давлатимиз рамзларидан бири бўлган гербимиз ҳақида гапириб бердилар. Уларнинг тунунтиришларича, Давлат гербидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Президенти девони, Ўзбекистон Олий Кенгаши, Ҳукумат, давлат ҳокимияти, вазирликлар, давлат қўмиталари, барча тоифадаги судлар, прокуратура, дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига берилган экан.

Мен мустақил республикаимиз герби ҳақида қалблари фахрга тўлиб бир-бирларидан билиб олишга, урганишга интилиб суҳбат қилаётган тенгдошларимни кузатар эканман, қалбим фурурга тўлди.

Сирожиiddин АЛИМОВ,
Тошкентдаги 217-мактаб
ўқувчиси.



САРА ТОНГ

(Форсча—Хорчанг, узбекча—Қискичбақа дегани бўлиб, 22 июндан 22 июлга, яъни 31 кун давом этади)

Бу ойни ёз чилласи ҳам дейдилар. Негаки чилла 22 декабрдан 21 январга қадар давом этиб, узининг аччиқ аёзлари билан замин суви, бутун табиатни музлатади, тупроқ унмдорлигини оширади. Саратон эса бунинг акси ёлқинли нафаси, ўтли ҳарорати билан табиатдаги ҳамма нарсани қиёмига етказиши. Қуёш олам шимолий ярим шарнинг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Энг қисқа тун ва энг узун кун ҳолати содир бўлади. Саратон дохил бўлгандан 4—5 кун утгач, Қуёш жанубга томон оға бориб, тунлар узаяди ва кунлар қисқара бошлайди.

Саратон иссигининг йуриги бошқача, таъсирчанлиги ва кескинлиги билан ажралиб туради. Ўйибор беринг: бу ой дохил бўлиши билан саратон кунгизлари визиллаб, фигони фалакка чиқади. Уша оқшом «доройи» нав эртапишар узум хол ташлаб ола бўлади, чул, яйлов ва ҳатто бепоян пахтазорларда гармсёл эсади, саҳрода гирдибод миноралари купая-

ди, баъзан эрталаб ва кечкурунлари сароб куринади, дарёларда сув тошқини бошланади. Ой давомида экинлар, гиёҳлар, хусусан гуза учун зарур малҳам ҳисобланган «иссиқ сув» оқади. Бу сувдан ичмай қолган кузги экинлар тўлиқ пишмай бир қадар баракасиз, таъмсиз бўлади.

Саратон офтоби жамики экинни, хусусан гузани кулф урдиради. Танасига синган фойдали ҳарорат ҳосил тақдирини ҳал этади, салмоқдор қилади, узум, мева қовун-тарвуз ширинлиги ошиб, шарбатга айланади Баҳорда ўтқазилган дарахт, ток кучатларининг тақдири, яъни тўлиқ амалга кириши шу ойда ҳал бўлади.

Халқ орасида тез-тез, қайта-қайта такрорланиб турадиган уғитлар борки, уларга таянган деҳқон ҳам чорвадор ҳам, ютқазмайди, панд емайди:

—Яхши келса саратон, писанд эмас қахратон (қиш)

—Саратон имкониятларини қўлдан берган деҳқон турт одам тўпланган жойда катта гапира олмайди.

—Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдингни йуқотма!

—Саратонгача гуза қаричдан ошса, кузда хирмон тошади.

—Саратонда ток сугорса соҳибкор, узуми олдида асал

Фасллар алмашаётганини куз билан илганан кимса бормикан? Чамаси, бунинг сира иложи йўқ. Кечагина шарқираб оқиб турган сойнинг юзи бутун тонгда музлаганини қуриб, қиш келганига ишонч ҳосил қиламиз. Қачонки қовжираб турган новдаларда бирикки куртак буртиб қолсагини «Қаранг, баҳро бошланганини ҳам сезмай қолбимиз» деймиз. Ёз фасли келганини нимадан билиш мумкин. Мактабларда ўқишлар тугаб, таътил дамлари бошланганиданми? Ёки олмаю урик шох-

ҳам бекор.

—Саратонда экиндан ҳол сўр, кузга бориб, баракали хирмонни кўр.

Қишлоқ халқининг хусусан кексаларнинг бундай гаплари, иборалари қўп. Саратон иссигининг инсон организмга, унинг саломатлиги ва кундалиқ ҳаётига таъсири ҳақида ҳам фикрлар қўп. Чунончи, саратон офтобида чиниққан одам, қиш совуқларига чидамли бўлади. Қайси фасл, қайси ойда бўлишидан қатъий назар, синган суяклар саратонда қайнаб битиб, асл ҳолига келади. Баъзи касалликлар асорати, таъсири шу

лари меваларини кутаролмай эгилиб қолганиданми?

Ёр уз ўқи атрофида айланаверади, саратон тупроғимизга ҳар йили меҳмон булаверади. Ҳар сафар бизда узгача таассурот уйғотади. Аслида эса у қандай бўлса шундайлигича қолган. Фақат вақт ўтган сайин биз узимиз узғариб борамиз, усамиз, улғаямиз, ақлимиз тўлади, болаликдан тобора узоқлашаверамиз. Бутун саратон иссиғига қасд қилиб, муздек сой сувида қийқираб чумилаётган бўлсак, эртага салқин хоналар-

ойда инсон организмдан чиқиб кетади. Шифобахш шурлой, қум ва иссиқ сувларнинг таъсир кучи ошади, доривор усимликлар пишди. Равишини билиб тупроқда оёқ-яланг юриш, оқар лойқа сувда чумилиш, қуёш нурида товланишнинг саломатлик учун ниҳоятда фойдалилиги эса қадимдан маълум. Бундай пайтларда офтоб уриш ва терини куйдиришдан зинҳор эҳтиёт бўлиш, шунингдек атроф-муҳитни, тураржой, сув манбаларини доим тоза, озода тутиш зарур эканлигини унутмаслик лозим.

да олий мактабларга кириш учун имтиҳонларига тайёрланаётган буламиз. Кейинги ёз эса... уёғи катта ҳаёт. Саратон эса уша-уша — вақтнинг тўхтаб турган бекати.


«Ҳар фаслнинг уз хислати бор» дея бошланувчи шёърда шоир куз, қиш ва баҳор зийнатлари ҳақида гапиргану, ёз ҳақида негадир индамаган. Эҳтимол саратонни ёз зийнати демаски булгану, уни таъкидлашга эҳтиёж сезмагандир. Зотан, саратон сузи келиб чиқиш тарихига кўра «сара тонг» экан.

Саратон табиатига кўра, асосан, иссиқ ва қуруқ ой ҳисобланади. Бу ойда ҳароратнинг 40—45 даража ва ҳатто ундан ҳам ошиб кетиши кутилади.

Саратон кунларининг қандай келишини оддийгина белгиларга қараб узингиз ҳам олдиндан билиб олишингиз мумкин. Масалан:

—Тонг. Шарқ осмони эндигина оқара бошлаши билан чумчуқлар чирқиллай бошлайди. Улар қанчалик баланд овозда чугурлашса, уша кунни ҳаво шу қадар иссиқ бўлади.

БОЛАЛИККА СОДИҚ ИНСОНЛАР



«Отамнинг уйга қайтар вақти яқинлашган сари юрагим безиллайдиган бўлиб қолган. Бугун ҳам ҳар галгидек маст ҳолда уйга кириб келдилар. Кузлари менга тушди-ю, турли ҳақоратли сузлар билан қийин кетдилар. Шунда онам, аниқроғи угай онамнинг мени ҳимоя қилиб отамга қарата айтган сузлари қалбимда муҳрланиб қолди:

— Фақат туққан она эмас, боққан ҳам она! Сарвар менинг фарзандим, жигарбандим. Уни эмас, мени... мени уринг!»

Саҳнадаги ҳаяжон томошабинларга ҳам кучган. Енгин Мирзонинг «Фарзандим — жигарбандим» асаридаги угай она — Адолат образини яратаётган Муҳаббат опа Муҳиддинова 30 йилдан бери болалар театрида меҳнат қилади-ю ўз кечинмаларини юқтиролмайди!


Яқинда Ёш томошабинлар театрининг тажрибали актёрларидан Муҳаббат опа ҳамда Худоёр Тошпулатов, Ҳайитали Низомиддиновларнинг 50 йиллик туйлари бўлиб ўтди.

Худоёр акангизни билсангиз керак. Улар сизлар учун 100 дан ортиқ образлар яратганлар. Шунингдек, эртаки акангиз бўлиб, зангори кузгу орқали хотирада қоладиган қаҳрамонларга айланганини ҳам яхши биласиз.

Театрда баракали ижод қилган Ҳайитали Низомиддиновни эса «Оталар сузи — ақлнинг кузи», «Телевизион миниатюралар театри» курсатувларидан, «Табассум» радиоэшиттиришларидан ҳам таниқли бўлиб кетганлиги сир эмас.

Ҳар уччала қаҳрамонимизни — саҳнамиз юлдузларини таваллуд кунлари билан муборакбод этиб, бизни унутмай бизга, бизгагина тушунарли образлар яратиб, ижодда жавлон уришларини тилаб қоламиз. Бола бўлиб, болалар кунлини топиб юриш — мангу ёш бўлиш демакдир. Сизларни ёшлик тарк этмасин!

Феруза ОДИЛОВА
Р. АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳалари.



Ботир Сирдарёдаги тоғаси-никига борса мазза қилади. Бир томонда Малик дарёсининг суви, иккинчи тарафда урмон ҳужалиги, бепоён бедзор, бугдойзор далалар. Дарёда мириқиб чумилиб олади-да, қирғоқдаги қум уюми устига чузилади, қумдан турли митти ҳайкалчалар ясай бошлайди. Зумрад, Ялмоғиз кампир, Гулиқаҳқаҳ каби эртақ қаҳрамонларини қурсангиз худди тирик дейсиз.

— Кинодаги Тонио Лунатик

бўлиб кет-э, — деди атрофини ураб олган болалардан бири. — Рутни ҳам ясай оласанми?

— Уриниб кураман, — жавоб берди камтарлик билан Ботир. Кейин астойдил ишга киришиб кетди. Орадан ҳеч фурсат ўтмай қум одам тайёр бўлди. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, худди Рутнинг узгинаси бўлди. Уйда ҳам лойдан ясаган турли ҳайкалчалари талайгина.

Уйдагилари дастлаб унинг бу қизиқишига унчалик эътибор беришмаганди. Уғилчасининг қум одамлари устида соатдаб ишлашини, сунгра завқланиб томоша қилишини кўрган онаси Насиба опа ясаган митти ҳайкалчаларини олиб, болалар ижодиёти маркази қопидаги «Ҳайкалтарошлик» тугарагига олиб борди. Устози Мария Рас-тиславовна маслаҳатлари туфайли шаҳар миқёсидаги мусо-

бақаларда қатнашиб, биринчи уринни қулга киритди. Мусобақада Ботиржон Амир Темур ҳайкали билан иштирок этганди.

Ҳайкални ясагандан аввал соҳибқирон ҳаётига оид жуда куплаб китоблар ўқиди, ойиси, даси, бобо ва бувисини Амир Темур ҳақида саволлар беравери, ҳоли жонига қўймади. Узоқ изланишлари ўз самарасини қўрсатди. Мусобақада голиб бў-

либ, совға-саломлар билан кириб келганида уйдагиларининг хурсанд бўлганини айтмайсизми?! Бобоси ҳатто митти устахона қуриб беришга ҳам ваъда бериб юборди. Тошкентдаги 283-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ботиржон Ориповнинг айтишига кўра, кўнларидаги энг сеvimли машғулоти ҳам ҳайкалчалар ясаи бўляпти, ясаган митти одамчалари салкам бир жавон бўлиб қолди.

Равшан
ДАДАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

«РУТ»НИ ҲАМ ЯСАЙ ОЛАСАНМИ?

Уқишнинг охири кунлари эди. Мактабга бир укучининг отаси келиб қолди. Айтишча, угли синфдош уртоқлари билан жанжаллашиб қолибди. Мен жанжалнинг сабабини аниқлаш мақсадида қайси синфда уқишини сурадим. Буни қарангки, ота уз фарзанди-

неча маротаба мажлисга чақирган, келишмагач, узи уйларига ҳам борган экан. Натижа эса уша-уша. Албатта, икки томондан ҳаракат бўлмагандан кейин натижа ижобий бўлмаслиги тайин. Мана шундай ота-оналар уз фарзандлари тарбиясидан йироқлашиб кетишмаяп-

дик. Болалар тарбиясида, албатта ота-онанинг ролини алоҳида қурбатдик. Шу билан бирга таътил кунларида ҳам маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйдик. Атрофимиздаги Зебо Шамсуддинова номли маҳалла оқсоқоли Исмоил ака Одилов, Бинокор маҳалласидан Абдурашид ака Абдусаматов, Урта маҳит маҳалласидан Эркин ака Утбосаров билан узвий боғландик. Улар билан келишиб, кўп болали, ота ёки онаси ногирон булган оилаларга ёрдам курсатаймиз. Ва, бу ҳамкорлик уз ижобий натижасини берайти.

«Ситора» рақс-қушиқ ансамблимиз, бир қанча тугаракларимиз ҳам мунтазам ишлаб турибди. Хуллас, болаларимизни таътилда беқор юришларига йўл қўймаймиз. Албатта, ҳамкорликда гап кўп. Ота-оналар ҳам уз фарзандлари ҳатти-ҳаракатлари билан қизиқиб турсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Назар ИСМОИЛОВ,
Ҳамза туманидаги Қори
Нийзий
номли 206-мактаб
директори.

БИТИРУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

Бу йил Гиждувон туманидаги 1-урта мактабни тамомлаган 130 нафар укучи ажойиб ташаббус билан чиқиб, ниятларини узлари амалга оширдилар ҳам. Яъни мактабни ука сингиллари учун таъмирлаб, янги укуч йилига тахт қилиб бердилар. Шу-



нингдек, мактабнинг спорт майдончаси ва мактаб атрофидаги 50 метрли жойни баландлиги икки метр келадиган гиштли девор билан ураб беришди. Сайёра Содиқова, Умиджон Исмоилов, Меҳмонали Норов, Баҳодир Кен-

жаев, Барно Боймуродова, Завқиддин Камолов каби битирувчиларнинг бу беминнат ерданидан ота-оналар ҳам, укитувчилар жамоаси ҳам, шу билан бирга уларнинг уринбасарлари — ука-сингиллари ҳам бирдек мамнундирлар.

СОЧОҚ ЭГАМОВ.

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КҮП

нинг қайси синфда уқиши у ёқда турсин, нечанчи синфда уқишини ҳам билмас экан. Исм - фамилияси орқали 7-синфда уқишини аниқладим. Суриштирсам, бу бола дарсга кириб-кирмай, кирган тақдирда ҳам уйга берилган топшириғу, синф ишларини бажармай, укучи ва укитувчининг асабига тегар экан. Жанжал булган кунни эса синфдош болага «пап-камни кутариб юрасан», деб зуравонлик қилибди. Гапи утмагач, узаро жанжал кутарилибди.

Синф раҳбари ота-онасини бир

тимикан? Улар болаларни фақат едириб-ичириш, кийим-бош олиб беришнгина уз ота-оналик бурчим деб билишади. Тарбияни эса мактаб беради, деб нотўғри фикр юритишади. Ахир тарбиянинг асосий негизи оиладан бошланади-ку.

Уз болаларининг уқиши, мактабдаги ишлари билан қизиқадиган, тез-тез келиб хабар олиб турадиган ота-оналар ҳам жуда кўп. Биз ана шундай ота-оналар, укитувчилар билан биргаликда мактабнинг ички уставини қабул қил-

Ажабо, қандай галати болалар эканки, узларига узлари тош отсалар, уз бошларини узлари ёрсалар?!

Бу ажабтовур саволга жавоб топишдан олдин, келинг, ушбу ривоятга бир қулоқ тутайлик. Эмишкни, бир шаҳарни сув босибди. Шаҳарда битта-ю битта улкан кема бор экан. Одамлар жон сақлаб қолиш учун унга чиқиб, жойлаша бошлабдилар. Албатта эпчилроқ, бадавлатроқ одамлар кеманинг биринчи қаватидан, қолганлар эса иккинчи қаватдан жой олишибди. Кема дарғаси қуруқлик излаб, йўлга чиқишдан олдин йўловчиларга дебди:

— Ким қайси жойда утирган бўлса, уша жой ҳозирдан бошлаб, уша одамнинг мулкидир.

Бу гапдан кемадагилар ҳангу-манг бўлиб қолишди.

— Бу қандай қўли очик, сахий одам эканки, бутун бошли кемасини тақсимлаб юборса-я.

— Эй, йўқ, — дебди бир хиллари норизо оҳангда, — бу ерда бир шумлик борга ухшайди.

— Ҳа, ҳа, шундоқ, — қувватлабди бошқаси, — кемани орқалаб кетиб бўлмайди, назаримда, мулкини тақсимлаб бериб бизни ҳам уз мулки, яъни қўлига айлантормоқчи.

— Кимки, кема дарғасининг гапини икки қилса, марҳамат кемадан тушиб қолсин, — деган буйруқ бўлибди.

Қасққа ҳам тушишади, ҳамма ёқда оч тулқинлар қутуриб ётган бўлса. Шартга ҳамма ноилож қўнибди. Кема йўлга тушибди.

Бир маҳал сузиб бораётган кеманинг қуйроқ қисмидан «тақ-туқ» деган овозлар эшитилиб қолибди. Одамлар бундоқ қарасалар, бир одам кемани тешиш билан овора эмиш. Ҳа, дейишса, шу ердан узимга сув очиб оламан, дермиш.

— Хай, эсинг жойидами, гарқ бўламиз-ку, — дейишибди унга.

— Бу жой менинг мулким бўлди, хоҳласам эшик очаман, хоҳласам тешик, — деди

ҳалиги одам.

Одамлар кема дарғасига арз қилишибди.

— Тўғри, — деди дарга, — мулк уники, нима қилса қилаверади, менинг вазифам кемани бошқариш, қуриқлаш, арзи-дод эшитиш эмас.

— Ахир ҳалокатга учраймиз-ку!

— Шунинг учун ҳам кемани сизларга мулк қилиб бердим. Хоҳланглар яшанглар, хоҳланглар гарқ бўлинглар...

Бу гапдан одамлар бирдай хушёр тортишибди ва ҳалиги сўз укмас кема тешарни оёқ-қулини боғлаб, сувга улоқтириб юборишибди. Бундай машғулотни ихтиёр қилмоқчи бўлиб турган бошқа кема тешарлар ҳам ақл-хушини йиғиб олишибди... Ривоятни эсдан чиқармай туришда, мана бу мактубга қулоқ тутинг.

«Ҳурматли муҳарририят, — деб ёзади Ховос шаҳрида яшовчи Мавлудохон исмли опа, — мен яқинда болам билан шифохонага тушиб қолдим. Ёнимдаги буш уринга кузи боғланган, ун тўрт ёшлардаги болани олиб киришди. Унинг кекса бувиси бор эди. Бувиси нуқул йиғлаб, кимнидир қаргарди. Олдохдан неварасига шифо, айбдорга жазо сурарди».

Маълум бўлишича, буви билан набира меҳмонга боришган, поездда келатганларида болалар вагонга тош отишган, ойна синиб боланинг кузини шикастлаган эди. Вокса Бекобод билан Ховос йўлида содир бўлибди. Улар мусофир, самарқандлик эдилар. Боланинг соғайиши узокқа чўзилди. Мен касалхонадан чиққандан кейин ҳам боланинг ҳолидан хабар олиб турдим. Суқсурдек боланинг аҳволини курганлар кузига ёш олиб, фақат битта сўзни такрорлашарди: «қўли синсин, унияма кузи уйилиб тушсин!». Бола шифохонадан чиқиб кетди. Лекин уни «соғайди» деб бўлмасди, бир кузи яхши кўрмайдиган бўлиб қол-

ганди.

Мактубни укир эканман, бошимдан ўтган бир воқеа ёдимга тушиб кетди.

«Тошкент — Хужакент» шаҳарлараро поездда уйга қайтаётгандим. Менинг рўпарамда утирган қизлар нимагадир ҳадиксираб, узларини ойнадан олиб қочардилар.

— Қўрқманглар, — дедим мен уларга, — бу тарафдаги болалар анча инсофга келиб қолишган, айниқса, Ўзбекистон радиосининг «Келажак тонги»да танқид қилгандан бери.

— Жа, — деди улардан бири норози бўлиб, — тунов кунни этагим ойна синигига тўлди. Яхшиямки, бошимни эгиб, китоб укиб кетаётган эканман.

— Қасрда укўйсизлар, — сўрайман улардан?

— Чилонзордаги Сирождинов номли математика лицейида.

— Демак, келажакда укитувчи буларкансизлар-да?

— Ҳа!

— Тош отар болаларга қандай жазо бериш лозим деб уйлайсиз?

— Менимча, ҳеч иккиланмай қўлларини кесиш керак! Шунда бошқа безори болаларнинг ҳам қўли тийилади. Бу нима деган гап ахир. Ҳам ойна гарот, ҳам одамлар соғлиги. Ёшгина бир келинчак кўр бўлиб қолди ахир!

Бу ҳукмни эшитиб этларим жунжукиб кетди. Яхшиям бунақа жазолар йўқ деб, узимга узим таскин бераман. Аммо ривоятдаги, мактубдаги, суҳбатдаги ҳукмлар мени уйга толдирадди. Кемадан оёқ-қулини боғлаб отиб юбориш, тош отарларнинг қулини синдириш, кесиш... Ахир булар охириги чоралар-ку!

Уйлаб қаралса, одамзод узи-га-узи жазо қўллашга сабабчи буларкан. Хуш, кемани тешаман демаганда, ҳалойиқ ҳалиги одамнинг баҳридан утишармиди? Албатта йўқ. Қаранг, унга таҳасуб қилиб қанча

одам кемани тешишга шай бўлиб туришган экан?!

Шуниси ачинарлики, «рекетчилар» «наркотик молада»ларни укучи ва тарқатувчилар учун чиққан жазолар, бундан ун-ун беш йил олдин йўқ эди. Хуш, бунақа одамлар қасрдан пайдо бўлишди? Бирор чет элдан келишдими, осмондан тушишдими?

Бугун жазога мустаҳиб бўлаётганлар кечагина бола эдилар. Кичкинтой укаларининг йўлини тўсиб, овқат пуллари қўқиб олишарди. Уйингдан кўпроқ пул олиб чиқ, деб қўқитишарди. Улар улгайиб «рекет»чи бўлдилар. Кўчадаги қолдиқ сигареталарни ҳавасга чекишиб, улгайгач, «нашаванд» бўлиб қолдилар. Ҳа, бугунги барча ёмон иллатларнинг уруғи кечаги кунда экилган эди. Жиноят катталашгач, жамият унга қарши қонун чиқармай туролмайди-да.

Гап тошотарлардан бошланди. Мен бир қаламкаш сифатида бу масала билан анчадан буён шугулланиб юрибман. Тошкентдаги 1-депо бошлиғи Фаррух ака Дадахўжаевнинг фикрича тош отишлар «энг касал масала»га узлари айланган. У кишининг уринбосари Анжаржон Алладровнинг ҳисоб-китобларича, 1995 йили йўловчи поездларига 8075 марта тош отилган. Ва шунча ойна синдирилган. Янги куз қўйиш, таъмирлаш ишларига депонинг 3 миллион 250 минг суми сарфланган. 1996 йилнинг беш ойи мобайнида 1890 марта тош отилган ва таъмирлаш ишларига 97 минг 247 сум сарфланган.

Ахир бу қандай бедодлик ва неқўрлик! Йўқ жойдан шунча чиқим! Поездларнинг синган кузларини таъмирлаб тузатиш мумкин. Лекин кўр бўлиб қолган кузларни аслидек қилиб бўладими? Кейинги бекатга етгунча, кўп қон йўқотиб, абадий куз юмганларни ҳаётга қайтариб бўладими?

Ватан бойлигини горат қи-

лаётган, юртдошлари соғлигини емираётган, узгаларнинг умрига зомин бўлаётган бундай безори шум болалардан нима кутиш мумкин? Ҳа, улгайгач демоқчиман. Ҳар қалай улардан ватанпарварлар чиқмайди. Бетийиқ исрофгарлар чиқади. Бошқалар юртимни бойитсам, бирини икки қилсам дейди, бундайлар эса совурсам, горат қилсам дейди.

Уйлаб қоласан киши. Тош отар болалар аксарият темир йўл буйларида яшайдиган оила фарзандлари. Уларнинг ҳам ота-оналари бор. Мактабларда уқишади. Таълим берадиган ажойиб укитувчилари бор. Хонадон борки, маҳалла мавжуд. Қолаверса, маҳалла кумиталари ҳам фаолият курсатапти. Яна участка инспекторлари бор. Гўёки уларнинг бари томошабиндек. Деподан яп-янги чиққан вагонлар гўё бомба ёмғири остида қолгандек, қайтиб кирардилар...

Азиз болажонлар! Қадрли ота-оналар, устозлар! Биз кема ҳақидаги ривоятни бежиз келтирмадик. Мустақил Ўзбекистонимиз ҳаёт денгизидаги улкан бир кемадир. Ундаги ҳар бир нарсга узимизнинг мулкимиз. Уни куз қорачигимиздик асрашимиз керак, дуч келган еридан тешадиган, чопадиган, четга олиб чиқиб сотадиган, исроф қиладиган бўлсак, узимизни-узимиз гарқ қиламиз. Ёки энг сўнгги жазолар қўлланиладиган қонунлар битилишига узимиз сабаб бўлиб қоламиз. Узимизга узимиз тош отмайлик!

Келинг, эндигина беш ёшга тулаётган муқадас юртимизга эш бўлайлик, бир тану-бир жон бўлайлик!

Эркин МАЛИКОВ

ЎЗИГА ТОШ ОТГАН БОЛАЛАР

Энг қадим замонларда Амударё (Аракс) ёқаларида Урта Осиё аҳолисига мансуб массагетлар яшар эди. Бу даврда уларга марҳум подшонинг хотини малика Тумарис бошчилик қиларди. Эрон шоҳи Кир массагетларни ўзига қарам қилиш мақсадида Тумарисга уйланмоқчи бўлиб, совчилар юборарди. Лекин малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб, унга рад жавобини беради. Шундан сўнг Кир очик тажовузга ўтади ва массагетлар томон қушин тортади.

У дарёдан ўтиш учун куприклар қурдира бошлайди. Бу хатти-ҳаракатлардан бохабар бўлган Тумарис Кирга элчи юбориб айтади: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қандай тугашини билмайсан-ку? Қуй, ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ўз ҳолимизга қуй. Лекин сен бунга қўнмайдиған қуринасан. Агар биз билан қуч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда куприклар қуриб овора бўлма, биз дарёдан ўч қўнлик йўл нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт, ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил».

Бу таклифни эшитгач Кир аёнларини тўплаб маслаҳат сўрайди. Уларнинг қўнчилиги Тумариснинг чекинишини қўнватлайдилар. Лекин улар уртасида Крез исмли маслаҳатчиси шоҳга бошқача бир ҳийлани ургатади.

«Эй Кир, — дейди у, — агар сен қушин қирилиб кетмасин десанг, фикримни айтаман. Уларнинг ҳам инсон эканликларини ва тақдир ҳамиша бир хил бўлавермаслигини билсанг, у ҳолда қўлоқ сол! Агар биз душманни ўз еримизга ўтказсак-да,

жангда енгилсак подшоҳлигиндан батамом айрилсан. Чунки голиб чиққан душман мамлакат ичкарасига томон интилади. Агар душман ерига ўтиб, ғалаба қилсанг, олдинга интиласан, лекин уларни ҳамма ерда таъқиб қилиш даражасида енга олмайсан.



Хотин кишидан енгилсанг, чидаб бўлмас номусга қоласан. Шунинг учун яхшиси биз Тумарис айтган ерга бо-райлик-да, уни енгилсга ҳаракат қилайлик. Менимча, массагетлар эронийлардек ноз-неъматнинг лаззатини билишмайди. Шунинг учун биз шаробни аямасдан, молларни сўйиб, катта зиёфат тайёрлайлик-да яроқсиз аскарлардан бир қисмини қўлдириб, орқага қайтайлик. Сўнг ўзимизни ғалаба билан шарафлайлик». Бу маслаҳат Кирга маъқул тушди. У Тумарисдан чекинишни сўрайди. Кир ўли Камбазга Крезни топшириб, агар урушдан қайтмасам, унинг маслаҳати билан шоҳлик қиласан, деб Эронга жўнатади, ўзи қушин билан массагетлар юртига ўтади.

У ерда Кир ғалати бир туш қўради. Тушида Гишгаспнинг катта ўғли Доронинг икки елкасидан икки қанот ўсиб чиққанмиш, бири Мағрибни, иккинчиси Маширикни тўсиб турармиш. Бу вақтларда Доро 20 ёшда бўлиб ёш ҳисоблангани учун урушга олинмаган эди. Туш Кир юрагига ғашлик солади.

У Доронинг отасини чақириб: ўлинг менга қарши фитнада айбдор,

Мутолаа мавсуми

эронга қайтиб, уни судраб олиб кел, дейди.

Кир массагетлар юртига ўтгач, Крез таъкидлаганидек, зиёфат тайёрлаб, бироз аскар қўлдириб, орқага чекинади.

Массагетларнинг бир қисм қушини Тумариснинг ўғли Спарганис бошчилигида у ерга келиб қўлдирилган аскарларни енгил, зиёфатга машғул буладилар. Сўнг маст лашкар уйқуга кетади. Шу вақт Кир хужумга ўтиб, массагетларнинг қушини ўлдириб, қушини асир олади. Асирлар орасида шаҳзода Спарганис ҳам бор эди.

Тумарис воқеадан хабардор бўлиб, Кирга элчи юбориб айтади: «Эй қонхўр Кир, ўзум суви ёрдамида бўлган бу воқеадан хурсанд бўлма. Сен ўғлимни жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олдинг. Энди қўлоқ сол, сенга яхши бир маслаҳат қиламан. Ўғлимни менга топширгин-да қилган ишинг учун жазоланмасдан юртинга жўна. Йўқса, массагетлар тангриси номи билан қасамёд қилиб айтаманки, сен очқўз юҳонинг қонга ташналигингни қондираман».

Кир бу сўзларга парво қилмади. Спарганис эса ўзига келгач, воқеани англаб, ҳижолатдан ўзини-ўзи ўлдиради. Шундан сўнг Тумарис қушинини тўплаб жангга отланади. Дахшатли жанг бўлади. Унда массагетлар голиб келади. Тумарис ўз сўзи устидан чиқиб, жангда ўлдирилган Кирнинг бошини кесиб, қон билан тўлдирилган мешга солади. У айтади: «Гарчанд мен жангда ҳалоллик билан енгган бўлсам-да, сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб, қайғуга солдинг. Онтимга амал қилиб, сени қонга тўйдираман».

Хикматнома

**Даввал уйла,
Келин сўйла**



Уйламай айтилган сўз, кишининг қўнчилиги олдида уялиб қўлишига, ҳатто фожеий аҳволга тупишига сабаб бўлиши мумкин. «Сўзни қўнғилда пишқармагунча, тилга келтурма. Ва ҳар неким қўнғилда бор — тилга сурма» (Навойи). Вар: «Уйламагунча сўйлама», «Қўн уйла, оз сўйла», «Ўн қатим уйла, бир қатим сўйла», (қатим игнага бир марта ўтказиб, иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан, қўлоқ қилиб ёзилган қўнғилнинг ўчи орасидаги масофага тенг иш), «Дилда пишир, тилда гапир», «Уйнаб гапирсанг ҳам, уйлаб гапир», «Уйланмаган жойдан тулки чиқар, уйланмаган сўздан қўлги чиқар», «Англамай айтган, тингламай улар, чайнамай ютган, қавшамай улар».

АЙТИШСАНГ СЎЗ ЧИҚАДИ, ТУРТИШСАНГ КЎЗ ЧИҚАДИ

Киши бир-бири билан сўз талашса икки тараф ҳам ўзига лойиқ сўз топа олади. Натижада гапдан-гап чиқиб, жанжалга айланиб кетиши мумкин. Шунингдек, киши бир-бири билан туртишса (гарчи бу ҳазил бўлса ҳам) ахири бориб чинга айланиши, уришишга, муштлашишга олиб келиши мумкин. Мазкур мақол: «Арзимаган нарсасига гап талашма, ҳуда-беҳудага уришиб, туртишиб, жанжаллашиб юрма», — деб ўғит беради. «Айтишган сўнг дов эмасму», «Бахс баҳсдан тугилади», «Бир гапдан қолсанг-олам гулистон!» — деган мақолларнинг ҳам маъноси шундайдир.

РАСМЛИ ТОПИШМОК

Қадрли болалар! Суратларга диққат билан қаранг. Қайси хайвон ва қўшларнинг номларини билар экансиз? Уларнинг қай бири республикамиз ҳудудида учрайди ва неча йил умр қўради? Қай бири «Қизил китоб»га киритилган? Жавобларингизни кутамиз!



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора Йўлдошева,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0377.
7691 нусхада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Маъзилар: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефон:
33-44-25

